

Навбатдаги "Хоким ва ёшлар учрашуви" ўтказилди



Кумкүрғон тумани 1-сектор худудидаги “Янгиер” маҳалласида туман ҳокими А.Нормаматов ва ёшлар учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув давомида “Ёшлар дафтари”га киритилган 6 нафар ёшларга туман ҳокими А.Нормаматов томонидан 4 та электр пайвандлаш ускунаси ҳамда 2 та тикув машинаси топширилди.

Бундан ташқари ёшлар томонидан бир қатор мурожаат ва таклифлар билдирилди.

Ҳар бир мурожаат ва таклифлар назоратга олиниб, ижроси бўйича тегишли масъулларга йўналтирилди.